

**ЖИНОЯТНИНГ САБАБЛАРИ ВА УНИНГ СОДИР ЭТИЛИШИГА
ИМКОН БЕРГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИ АНИҚЛАШ, УЛАРНИ
БАРТАРАФ ҚИЛИШНИНГ ИЖТИМОЙ ЗАРУРАТИ**

Файзиев Дилшод Наджимович

Ўзбекистон Республикаси Жамоат

хавфсизлиги университети

мустақил изланувчиси

***Аннотация.** Мақолада жиноятчиликка қарши курашишда унинг сабаблари ва шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф қилишнинг ижтимоий ва ҳуқуқий аҳамияти, криминоген омилларни бартараф қилишда жиноят-процессуал механизм масалаларининг ўрни ёритилган.*

Жиноят сабаби ва шароити тушунчаларининг ёритишда қонунчиликда ягона ёндашувини ишлаб чиқиш масаласи илгари сурилган.

***Калит сўзлар:** жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг профилактикаси, жиноят сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш, криминоген омилларни бартараф қилиш, жиноят сабаби ва шароитини аниқлаш ва бартараф этиш тўғрисида тақдимнома.*

Инсоният тарихида жиноятчилик турли кўринишларда тараққиётга ҳов бўлган омиллардан бўлиб, жаҳон тараққийпарвар оммаси нигоҳи унга қарши курашишга, унинг илдизлари йўқотишга қаратиб келинди ва бу борада кўп ресурслар сафарбар қилинди.

Жиноятчилик ҳар бир жамият учун хос бўлган ижтимоий ҳодиса экан, унинг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаб, уларга тегишли муносабат билдириш тараққиёт кафолати, қолаверса, ҳар жамиятга хос бўлган ижтимоий адолатга эришишнинг ягона йўли бўлиб ҳисобланган.

Шу сабабли, давлатчиликнинг шаклланиши тарихида жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, бунда ижтимоий муносабатлар ҳар бир иштирокчисида ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракат содир қилишга мурасасиз онг шакллантирилади, ҳуқуқбузарликдан тийилишга ундайдиган умуммажбурий ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқилади ва изчиллик билан такомиллаштириб борилади.

Тарих гувоҳлик берадики, маърифатли жамият жиноятчиликни олдини олишга қаратилган тизимини ишлаб чиқмас экан, самарали ҳаёт кечири олмайди.

Жамиятнинг декриминаллашувига эса фақат шу жамиятда яшовчи барча халқлар, миллатлар ва элатлар ҳар бир аъзосининг ўзаро ҳамжиҳатликка асосланган ҳаёт кечириши орқалигина эришиш мумкинлиги айтилиши ҳақиқатдир.

Албатта жиноятчиликка қараш курашишнинг таркибий қисми сифатида уни олдини олиш масаласи аҳамиятли мавқеига эга бўлиб, бунга жиддий ёндашиш ўз самарасини бермай қолмайди.

Чунки, оқибатлари бўйича тўғри “ташҳис” қўйилган ҳар бир жиноий ҳодисанинг такрор содир этилмаслиги бу “ташҳис” пухта ўйлангани ва қўлланилган чора-тадбирлар ўз натижасини берганлигидан далолат беради.

Йигирма биринчи асрга келиб, жиноятчилик нафақат такомиллашди, балки унинг айрим кўринишлари зарур тайёргарлик босқичларини бошдан кечириб, профессионал даражада содир этиладиган бўлди, ҳаттоки, ижтимоий тармоқларда, масалан, ўғрилиқ жиноятини содир этилиши усуллари ва методларига оид “халқаро симпозиумлар” ўтказилиши ҳеч кимга сир бўлмайдиган ҳолат бўлиб қолди. Ҳукумат билан ҳамкорликда иш олиб

борадиган мафия сингари жиноий уюшмаларнинг фаолияти ташкил этилмоқда.¹

Жиноятчилик ижтимоий салбий ҳодиса сифатида инсоният тараққиётининг бутун даври мобайнида ижтимоий муносабатларга ёнма-ён ҳамроҳлик қилган.

Кишилик жамиятининг ибтидоий кўринишлари пайдо бўлгач, одамлар ўзаро тотувликда яшашнинг қоидаларинини ишлаб чиқиб, амал қилиб келишган. Шунга қарамасдан, ҳар бир жамоага хос бўлган ўзганинг мулкига тажовуз қилиш, бошқалардан кўпроқ неъматларга эгалик қилиш ҳисси айрим аъзолар онгида жиноий ҳуққ-атвор шаклланиш босқичлари такомиллашиб борган.

Шу сабабли, жиноятчиларни жазолаш билан бирга бошқаларда жиноят содир қилишга бўлган ҳар қандай қизиқишни таг-томири билан суғуриб ташлаш мақсад қилинган.

Жиноятнинг сабаблари ва шарт-шароитлари тўғрисида фикр юритар эканмиз, унинг криминологик, социологик ва ҳуқуқий жиҳатларини таърифлаш унинг моҳиятини кенг қамровли изоҳлаш имконини беради.

Жиноий судлов иш юритишни тартибга солувчи Жиноят-процессуал кодексида жиноят сабаби ва шарт-шароити тушунчалари ёритилмаган бўлсада, бироқ, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иерархиясида қонуности мақомдаги Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатида унинг тушунчасини беришга уринилган.

¹ Дворецкий М.Ю. Причины и условия преступности// Гуманитарные науки. Гражданское общество и государство. Вестник ТГУ. – 2014. – выпуск 12 (140). – 1-7 бетлар. <https://cyberleninka.ru/article/n/prichiny-i-usloviya-prestupnosti>.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 10.09.2021 йилги “Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 565-сонли қарорининг қабул қилиниши “содир этилган жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон яратиб берган шарт-шароитларни «Жиноятга қарши курашиш ҳақиқати ва адолати» тизими асосида жамоатчилик ўртасида муҳокама қилиш, бу борадаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар, муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ҳамда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш”ни амалга ошириш мақсади билан изоҳланган.²

Низомда жиноят сабаблари, жиноятнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларнинг тушунчалари келтирилиб, хусусан:

- жиноятнинг сабаблари - жиноят содир этилишига олиб келган ижтимоий, руҳий ва моддий омиллар мажмуи;

- жиноятнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар — жиноят содир этилишига имкон берадиган, шахс ва жамиятга боғлиқ бўлган ёки боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра юзага келувчи, танқидий жиҳатдан баҳоланувчи вазиятлар деб таъриф берилган.³

Криминология фанида сабабий боғланишнинг қуйидаги хусусиятлари мавжуд бўлади:

- ҳаракатга келган сабабгина оқибатни келтириб чиқаради;

- муайян шароит оқибатни келтириб чиқармасада, жиноят содир этилишини эҳтимолини ҳақиқатга айлантиради;

² Lex.uz./ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

³ Lex.uz./ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

-сабаб ва оқибат ўртасида юз бериш вақтларининг кетма-кетлиги қонунияти амал қилади;

-оқибат, унинг юз беришига асос бўлган сабаб учун сабаб бўла олмайди;

-бир хил сабаблар бир хил шароитларда бир хил оқибатларни келтириб чиқаради;

-сабаб оқибатга қўшилмайди, оқибат эса ўз навбатида сабабни келтириб чиқармайди.

Жиноятнинг шароитлари деганда шундай ижтимоий ҳодисалар тушуниладики, улар ўз ўзидан жиноятни келтириб чиқармайди, балки сабабнинг шаклланиши ва амал қилишига имкон беради, енгиллаштиради.

Жиноятчилик шароитлари қуйидаги кўринишларда намоён бўлади:

йўлдош ёки ҳамроҳ (ёнма-ён келувчи) шароитлар – улар воқеалар ва ҳодисалар, жой ва вақт ҳолатларининг умумий кўринишини намоён қилади;

мажбурий шароитлар - буларсиз воқеанинг содир бўлиши юз бермаслигига асос бўладиган шароитлар бўлиб ҳисобланади;

етарли шароитлар – бу барча зарур шарт-шароитнинг жамланмаси кўринишида намоён бўлади.

Жамиятдаги у ёки бу муносабатларнинг таназзули руй берганда жиноят сабаблари ва шарт-шароитлари намоён бўлиши учун замин яратилади.

Тадқиқотчи олима Данилованинг фикрича, сабаб оқибат туғдириши учун сабаб-оқибат муносабатлари шундай даражага чиқиши керакки, бунда қўйилган оқибатнинг келиб чиқиши муқаррар кўринишга эга бўлиши лозим.⁴

⁴ Данилова С.И. Установление и устранение причин и условий, способствовавших совершению преступления в стадии предварительного расследования. Юридик фанлари номзодликка диссертация, 2001. 24 бет.

Профессор Жуков А.М. ўз навбатида, жиноят содир этилишига имкон берган шарт-шароитни икки гуруҳга ажратиш тўғрисида хулосага келган: биринчиси, жиноят содир этган шахснинг ўзи билан боғлиқ ҳолатлар (шахснинг шаклланишига таъсир кўрсатган ноқулай шароит ва бошқалар) ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган ҳолатлар (мулкни муҳофаза қилиш билан боғлиқ камчиликлар, товар-моддий бойликларнинг номақбул ҳисоб-китоби ва бошқалар).⁵

Унинг фикрича, улар ўртасидаги фарқ шундан иборатки, биринчи гуруҳга тааллуқли бўлган ҳолатлар жиноят содир бўлган шахс аниқлангандан кейингина, иккинчи гуруҳдаги ҳолатлар эса жиноят содир бўлган шахс аниқланган-аниқланмаганидан қатъий назар жиноят содир этилганлиги ҳолатининг аниқланганда суриштирилади.

Бундан ташқари, Жуков А.М.нинг фикрича, иккинчи гуруҳда кўзда тутилган ҳолатлар бўйича чоралар кўриш дастлабки тергов органлари ҳақли бўлади, ўз навбатида биринчи гуруҳга тааллуқли ҳолатларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш суднинг мутлоқ ваколати бўлиб қолиши керак.

Шу боис дастлабки тергов органи ва прокурорнинг иккинчи гуруҳга тааллуқли ҳолатларга доир хулосалари бирламчи характерга эга бўлади. А.М.Жуков ўзининг ушбу хулосасини асослашда жиноят-процессуал қонунчиликдаги “ҳеч ким суд ҳукмидан ташқари жиноят содир этилишида айбдор деб топилиши мумкин эмас” деган принцип билан асослантиради. Хусусан, шахс жиноят содир этилишида айбдор деб топилгандагина унинг шахси билан боғлиқ ҳолатларни жиноят сабаб деб ҳисоблаш мумкин бўлади. Бундай хулосага келиш суднинг айблов ҳукми чиқарилгандагина

⁵ Жуков А.М. Выявление и устранение причин и условий, способствовавших совершению преступления, в советском уголовном процессе. Юридик фанлари номзодликка диссертация, 1980. 22-24 бетлар.
SJIF: 5.051

мумкинлиги назарга олсак, шахсга доир ҳолатларни жиноят сабаблари ва шароитлари билан боғлаш мумкин бўлмай қолади.

Шу муносабат билан А.М. Жуковга кўра, айбланувчининг шахсига оид ҳолатлар билан боғлиқ жиноят сабаби ва шароитлари бартараф қилиш хусусида суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг тақдимномасида сўз юритилиши ваколат доирасидан четга чиқилади. Тақдимномада шахснинг айбдорлигига оид хулосалар баён этилиши шак-шубҳасиз судсиз ва судга қадар мулоҳаза қилишга имкон яратади.

Мазкур тадқиқот доирасида Тошкент вилоят ички ишлар органлар тизимида тергов қилинган 60 дан зиёд жиноят ишлари ҳужжатлари танлов асосида ўрганиб чиқилганда, суриштирув ёки терговнинг якуни натижасида тузилган тақдимномаларнинг 36,6 фоизида жиноят содир этилишида доир тафсилотлар тўлалигича келтирилган бўлса, 99,8 фоизида жиноят ишида айбланувчи тариқасида жалб қилинган шахснинг айбдорлигига доир хулосалар келтирилган.⁶

Шу каби, Данилова С.И.нинг илмий мулоҳазаларида жиноят сабаби ва шароитлари тушунчаларининг криминологик тавсифи уларнинг жиноят-процессуал таърифи ўрнини эгаллай олмаслиги тўғрисида фикр юритилган. Хусусан, жиноят процессида жиноятнинг сабаби ва шароитлари тушунчалари моҳияти уларнинг чегаралари билан кўрсатилиб, шу чегаралар доирасида мазкур ҳолатлар аниқланиши ва бартараф этилиши лозим бўлади.⁷

⁶ Тошкент вилоят ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармаси томонидан 2023 йилда тергов қилинган жиноят ишлари ҳужжатлари.

⁷ Данилова С.И. Установление и устранение причин и условий, способствовавших совершению преступления в стадии предварительного расследования. Юридик фанлари номзодликка диссертация, 2001. 34-35 бетлар.

Олимнинг фикрича, жиноят сабаби ва унинг шароитини олдини олиш бўйича ягона ёндашувнинг мавжуд эмаслиги жиноят процесси фани доирасидан четга чиқувчи тадқиқ қилинаётган бу масаланинг ноодатий муракаббалиги билан изоҳланади.⁸

Жиноят сабаби ва унинг шароитининг жиноят-процессуал жиҳати тўғрисида кўпгина муаллифлар томонидан фикр билдириб келинган (В.И. Курляндский, В.К. Звирбуль, Ф.А. Лопушанский и др.). Бироқ, ҳанузгача, жиноят процессида мазкур муаммо бўйича ягона фикрга келинмаган. Шу сабабли, Данилова С.И. томонидан “сабаб” ва “шароит” сингари ҳодисаларни тавсифлашда қуйидаги белгиларга эътибор берилишига урғу берилади:

Биринчидан, жиноят сабаби ва шароитини ўрганиш зарурати мавжуд бўлиши муқаррар ҳолатдир, чунки, уларнинг мавжуд эмаслиги тергов (яъни жиноятнинг) истиқболларини (прогноз) белгилаш имконини йўққа чиқаради.

Иккинчидан, сабаб ва шароитлар юридик аҳамиятга эга бўлиши керак. Уларнинг юридик аҳамиятли бўлиши иккита ўзаро боғлиқ мезонлар билан изоҳланади. Биринчи мезоннинг мазмуни шундаки, сабаб ва шароит тергов қилинаётган қилмишга дахлдор бўлиши керак. Иккинчи мезонга кўра, сабаб ва шароитни аниқлаш ва бартараф қилиш жиноят процесси вазифаларини ҳал қилиниши таъминлашга қаратилиши лозим.

Шу билан бирга, аниқ ҳодисанинг бир муносабатларда сабаб, бошқаларда эса шароит ролини ўйнаши мумкинлиги эътибордан четда қолмаслик керак.⁹

⁸ Данилова С.И. Установление и устранение причин и условий, способствовавших совершению преступления в стадии предварительного расследования. Юридик фанлари номзодликка диссертация, 2001. 23 бет.

⁹ Домовой А.И. Преступность и реформы в России. М., 1998., 56-бет.
SJIF: 5.051

Фикримизча, ҳар бир жиноятга “тўғри ташҳис” қўйиш, унинг туб илдизларига етиб бориш, юзаки масалаларни унинг сабаби сифатида рўқач қилиб, жиноятни олдини олишнинг бесамара чора-тадбирларни қўллаш фаолиятига чек қўйиш мақсадида жиноят сабабларининг субъектив ва объектив кўринишларга бўлиш нафақат назария, балки тергов ва суд амалиётининг ҳам талабидир.

Чунки, жиноят сабаблари объектив ва субъектив кўринишда намоён бўлиш билан бирга улар ҳар доим ҳам ёнма-ён келавермайди.

Яъни, содир бўлган жиноятнинг ҳам субъектив, ҳам объектив сабабларини аниқлашга ўхшаш жиноятларни олдини олиш масаласида ҳар доим ҳам самарасини кўрсатади дея олмаймиз.

Дейлик, йўл-транспорт ҳодиса бўйича жиноят иши қўзғатилгач, мазкур ҳодисанинг содир бўлишига йўл-транспорт ҳаракати иштирокчиларининг айнан қайси бирининг ҳаракати бунга сабаб бўлганлигини аниқлашга қаратилган процессуал ҳаракатларни амалга оширмасдан туриб, мазкур жиноятнинг субъектив сабаблари, яъни уни содир қилган шахснинг индивидуал ёки антропологик хусусиятлари тўғрисида гапириш бир мунча эрта ҳисобланади.

Бироқ, агар шу транспорт ҳодисанинг келиб чиқишига йўлдаги носозликлар, йўл белгилари ўрнатилиши билан боғлиқ хато-камчиликлар ва бошқалар олиб келганлигини кўрсатувчи сабаблар яққол кўриниб турган бўлса, уларни объектив сабаб сифатида баҳолаб, улар бўйича қонунда белгиланган чоралар жоиз бўлиб ҳисобланади.

Шу боис, жиноят субъектив ва объектив сабабларининг бир-биридан айроқ кўра олиш ҳар бир суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг процессуал мажбурияти деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Дворецкий М.Ю. Причины и условия преступности// Гуманитарные науки. Гражданское общество и государство. Вестник ТГУ. – 2014. – выпуск 12 (140).
2. Данилова С.И. Установление и устранение причин и условий, способствовавших совершению преступления в стадии предварительного расследования. Юридик фанлари номзодликка диссертация, 2001.
3. Жуков А.М. Выявление и устранение причин и условий, способствовавших совершению преступления, в советском уголовном процессе. Юридик фанлари номзодликка диссертация, 1980.
4. Домовой А.И. Преступность и реформы в России. М., 1998.
6. Зуйков Г.Г. Выявление в процессе расследования причин и условий, способствующих совершению преступлений и принятие мер к их устранению. М., 1964.
7. Зеленецкий В.С. Предупреждение преступлений следователем. Х. “Вища школа». 1975.